

ТУРЛИ СИФАТЛИ УЧИНЧИ СИНФ БУҒДОЙДАН БИРИНЧИ НАВЛИ УН ВА МАҲСУЛОТЛАР ОЛИШ АМАЛИЁТИ

И.Х. Холмирзаев

*PhD, Тошкент давлат аграр
университети*

Аннотация: Ушбу мақолада донлардан ун олиш технологик жараёнида доннинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари боғлиқ яъний намлик, донли аралашма, бегона аралашмалар, кулдорлик миқдори, шаффофлиги ва асл оғирлиги асосида уннинг биринчи навини ишлаб чиқариш амалиёти кўриб чиқилган. Лабораторияда дон сифатини аниқлаш асосида ун ишлаб чиқариш технологиясида дон маҳсулотнинг чиқиши турли миқдорда бўлганлиги, ишлаб чиқарувчининг дастлабки хом ашёни сотиб олишда вазни ҳамда пуллик ҳисобининг базис меъёрга нисбатан турлича ҳисобланишига сақлангандан сўнг ишлаб чиқарувчи ҳам ўз навбатида турлича фойда кўриши ёки аксинча зарар кўриши мумкинлиги кўрсатилган.

Калит сўзлар: Базис меъёр, чегараланган меъёр, донли аралашма, бегона аралашма, асл оғирлик, шаффофлик, кулдорлик миқдори, Ун чиқиши, Яроқсиз чиқиндилар.

“Сўнгги йилларда республикада озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, соҳага инвестиция маблағларини жалб қилиш ва экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6,1 миллиард АҚШ долларидан ва уларнинг йиллик экспорти ҳажми 510 миллион АҚШ долларидан ошди. Шунингдек, охириги уч йилда импорт ўрнини босувчи 75 турдаги 289,9 миллион АҚШ доллари миқдоридаги озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, импорт ҳажми 7,4 фоизга камайди. Республика саноатида озиқ-овқат саноати улуши 14 фоиздан 16,6 фоизга ошди”¹.

Ишлаб чиқаришда тегирмонга элеватордан тарозида тортиб ўтказилаётган дон сифати бўйича кандициясига жавоб берган тақдирдагина кўзланган мақсадга эришилади. Доннинг сифат кўрсаткичларига ранги, мазаси ва хиди меъёрида бўлиши, дон намлиги 14.5% дан ортиқ бўлмаслиги, зараркурандалар билан зарарланганлиги каналар II даражадан ортиқ бўлмаслиги бегона аралашмалар - 1%, жумладан зарарли аралашма миқдори 0,3% дан катта бўлмаслиги, буғдой

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.02.2024 йилдаги “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-36-сон Фармони.

учун дон аралашма миқдори 2,0% дан ортиқча бўлмаслиги, клейковина миқдори 23%дан кам бўлмаслиги, клейковина сифати II гр дан паст бўлмаслиги керак.

Турли минтақа ва ҳудудларда етиштирилган донлар бир биридан шаффофлиги бўйича ҳам фарқ қилади. Ушбу кўрсаткич бўйича дон 3 гуруҳга бўлинади. шаффофлиги 60 % дан юқори 1 гуруҳга мансуб. кейинги гуруҳга эса 40 дан 60% гача ва 40%дан кам бўлган донлар 3 гуруҳга киради. Шаффофлиги 75%дан юқори ва 20%дан кам бўлган буғдой донинг катта туркумлари келганда улар алоҳида қилиб жойлаштирилади. Дон асл оғирлиги буғдой дони учун 775 г/л бўлиши мумкин. Клейковина миқдори ва сифатига боғлиқ ҳолда дон туркумлари тузилади ва клейковина миқдори 3 синф дон учун 23%дан юқори,29% гача бўлади. Клейковина сифати бўйича донлар I, II ва III гуруҳли туркумларга бўлинадилар.

Маҳсулот чиқимини ҳисоблаш учун дон сифатини базис кўрсаткичларини , доннинг ҳақиқий сифатини, доннинг чиқимини ва доннинг базис сифатига ҳақиқий сифати мос келмаган пайтида ҳисобга олинандиган қўшимча ва чегириш меъёрларини билиш зарур. Агар намлик 12%дан кам бўлса, ҳисоблаш да у 12%га тенг қилиниб олинади. Доннинг ҳақиқий сифати ҳисоблаш сифатидан фарқ қилса берилган ун корхонаси учун ўрнатилган ун ва кепак чиқимларига пропорционал катталиқда ўзгартирилиш киритилади. Асл оғирлиги 775 грамм литр ёки кулланиши даражаси 1.85% бўлган буғдой навли ун олишда ҳисоб чиқими ҳисобот даври мобайнида қайта ишланган шу доннинг солиштирма оғирлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Унинг массаси смена давомида ёки қайта ишлашга юборилган дон ҳақидаги фармойишларда кўрсатилган қайта ишланандиган доннинг сифат ва тўғрисидаги миқдори тўғрисидаги маълумотларга асосланиб ўрганилади. Маҳсулот чиқим меъёрларини аниқлашда базис, ҳисоблаш ва ҳақиқий чиқимларга бўлинади.

Базис чиқими шундай маҳсулот миқдорики бунда у биринчи навли ун тортиш турида сифати базис кондициясига мос келадиган дондан олинishi керак. Дон сифатининг базис кўрсаткичлари қуйидаги катталиқлар билан баҳоланади. Намлик миқдори -14.5%; қўлланиш даражаси -1.85%: Ифлослантирувчи аралашма миқдори, ҳаммаси -1.0%, жумладан, зарарли аралашмалар-0.1%(зарарли аралашма таркибидаги аччиқ дон (горчак)ва вязел миқдори -0.05%); асл оғирлик, буғдой учун -775 г/л, навли ун тортишда умумий шаффофлик юмшоқ буғдой учун 50% қилиб партиялар ташкил этилади. Кўп ҳолларда доннинг сифати ўрнатилган базис меъёрларига тўғри келмайди шунинг учун хар қайси қайта ишланандиган дон туркуми учун маҳсулотнинг ҳисоблаш чиқими ўрнатилган.

Минг тонна турли хил сифат кўрсаткичларига эга учинчи синф буғдой донидан маҳсулот чиқиши²

1-жадвал

Вариант	Буғдой донининг сифат кўрсаткичлари	Ун чиқиши (кг) да	Кепак чиқиши (кг) да	I-II тоифали чиқинди (кг) да	Яроксиз чиқинди (кг) да	Намланиш ёки қуриши (кг) да	Жами маҳсулот чиқиши
1	Намлик 14.5%, асл оғирлик 775г/л, донли аралашма 2%, кулдорлик микдори 1.85%, бегона аралашма 1%, шаффофлиги 51%	750 000кг	215 000кг	32 000	-3 000	-	1000000-3000=997000 кг
1.1	Базис меъёри	±75	±21.5	±3.2	0.3	±0	100
1.2	Суммаси (млн сўм)	10000х=7500	5000х=107.5	5500=176	4900х	4900	8751-4900=3851
2	Намлик 15%, асл оғирлик 760г/л, донли аралашма 3%, кулдорлик микдори 1.90%, бегона аралашма 2%, шаффофлиги 49%	-05-(075)-1-(09) 09-005 709000кг	+(075)-0.1+(09)+005 =19.6 19600+5625+6750+375=213000кг	+1+09=5.1% 51000кг	-0.1 -4000	-05 5000	1000000-4000-5000=991000 кг
2.1	Базис меъёри	70.9	23.1	5.1	0.4	0.5	100
2.2	Сумма (млн сўм)	7090	1065	280,5	- 196	- 24500000	8435,5-4900=3535,5
3	Намлик 16%, асл оғирлик 750г/л, донли аралашма 4%, кулдорлик микдори 1.95%, бегона аралашма 3%, шаффофлиги 47%	-0.5-(1.25)-2-(1.8) -1.8-0.15 675000кг	-05+(1.25) +(1.8) -0.2+0.15 240000кг	+2 +1.8 70000	+0.2 -5000кг	+1 10000кг	1000000-5000-10000=985000 кг
3.1	Базис меъёри	67.5	24	7	0.5	1	100
3.2	Сумма (млн сўм)	6750	1200	385	-24,5	-49	833.5-490=3435млн
4	Намлик 17%, асл оғирлик 740г/л, донли аралашма 5%, кулдорлик микдори 2.0%, бегона аралашма 4%, шаффофлиги 45%	-1.25-(1.75) -3-(2.7) -2.4- 0.25 636500	-1.25+(1.75) +(2.7) -0.6+0.25 243500	+3 +2.7 89000кг	0.3 -6000кг	+2.5 25000кг	1000000-25000-6000=969000
4.1	Базис меъёри	63.65	24.35	8.9	0.6	2.5	100

² Жадвал муаллиф томонидан тузилган

4. 2	Сумма(млн сўм)	6365	1217,5	489,5	-24,9	-122,5	807.2- 490=317.2мл н
5	Намлик 18%, асл оғирлик 730г/л, донли аралашма 6%, кулдорлик миқдори 2.05%, бегона аралашма 5%, шаффофлиги 40%	-1.75-(2.25)-4- (3.6)-3.1-05 598000Кг	-1.75+(2.25)- 0.9+(3.6)+05 =19.6 252000 кг	+4+3.6= 8.1% 108000к г	-0.4 -7000	3.5 35000	1000 000- 7000-35000= 958000
5. 1	Базис меъёри	59.8	25.2	10.8	0.7	3.5	100
5. 2	Сумма(млн сўм)	5980	1260	594	-34,3	-171,5	724.795- 490=234.795с ум

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики Ҳисоблаш чиқими маҳсулотнинг шундай миқдорики, қайта ишланадиган доннинг ҳақиқий сифат кўрсаткичларига боғлиқ холда базис чиқими катталикларига қўшимча ва чегириш меъёрларини қўлланилган холда ҳисоблади. Бизнинг тажрибаларимизда 1 вариантда Намлик 14.5%, асл оғирлик 775г/л, донли аралашма 2%, кулдорлик миқдори 1.85%, бегона аралашма 1%, шаффофлиги 51% бўлиб, 2 вариантимизда Намлик 15%, асл оғирлик 760г/л, донли аралашма 3%, кулдорлик миқдори 1.90%, бегона аралашма 2%, шаффофлиги 49%ни ташкил этди. 3чи, 4 чи ва 5 вариантлар ҳам 1 жадвалда келтирилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки сифатли буғдойдан 3 851 млн. фойда олиш мумкин бўлса, сифати паст буғдойдан 2 347 млн. 95 минг сўм ишлаб чиқаришга эга бўлиш мумкин. Рақамларни солиштирадиган бўлсак, бир хил (1 000 т) ўлчамдаги дондан сифати хар хил бўлганда турлича фойда олиш мумкин. Демак 3 851 млн. сўмдан 234,8 млн. сўмни айирсак 1 503,1 млн. сўм кўпроқ фойда олинади. Ушбу рақамларни ишлаб чиқаришга тақдим қиладиган бўлсак хир ой давомида 1-та дон ишлаб чиқарадиган корхона 10 минг. тонна деб оладиган бўлсак 15 030,1 млн. сўм даромадни ишни сифатли ташкил қилганлиги учун фойдаланилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.02.2024 йилдаги “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чоратadbирлари тўғрисида” ПФ-36-сон Фармони.
2. Lex.Uz/ “Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки ҳисобини юритиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сон қарори.

3. ДҚИМ 117-сонли тармоқ шакли/Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўздавдонинспекцияси“ 2012 йил 28. 09. 78- и- сонли ва«Ўздонмахсулот» Акциядорлик Компаниясининг 2012 йил 28. 09. 57- сонли қўшма буйруғи.
4. Государственный стандарт Республики Узбекистан \Узбекского агентства стандартизации, метрологии и сертификации «Узстандарт» -Пшеница O'z DSt 880:2015. УТВ 05-748 от 01.03.2016 год.
5. Интернет <https://www.fumigaciya.ru/sites/default/files/public/page/2013-01/315/hranenieitehnologiyatresvyatskiy1991.pdf>